


**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

ДАВЛАТ-ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА БОШҚАРУВ КАФЕДРАСИ

“Ўзбекистон Республикасининг парламент ҳуқуқи” фанидан

КУРС ИШИ



***МАВЗУ: ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ ҚЎМИТА
ВА КОМИССИЯЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ***

Топширди: магистратура 2-босқич талабаси З.Зоиров

Қабул қилди: ю.ф.д. Ш.Файзиев

Тошкент 2013

ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

КИРИШ

1 БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўми­та ва комиссиялари шакллантириш тартиботи ва уларнинг ваколатлари

1.2. Олий Мажлис Сенатининг қўми­та ва комиссияларини шакллантириш тартиби ва ваколатлари

2 БОБ ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ ҚЎМИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, сенат қўмиталари қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этилишини назорат қилиш

2.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиби

2.3. Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати ва уни амалга оширишда қўмиталарнинг тутган ўрни

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

1991 йил, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши билан, қисқа муддат ичида, демократик тамойилларни шакллантириш, бозор муносабатларига ўтиш, ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устиворлигини таъминлаш, ҳокимиятнинг бўлиниши (ижроия, қонунчилик ва суд) каби асосий принциплардан иборат бўлган янги давлатчиликнинг қонунчилик базаси вужудга келди.

1994 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон тарихида биринчи марта куппартиявийлик асосида шаклланган парламент — Олий Мажлиснинг таркиб топиши ана шу йулдаги асосий кадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Парламенти жамиятимизда қонун устуворлиги принципларини жорий қилиш, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштиришга доир ҳукукий асосларни янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон микесига нуфўзини ошириш каби муҳим масалаларни ҳал қилишга эришди. Бирок давр ва жаҳон амалиёти қонунчилик ҳокимиятини демократик андозаларга мувофиқ, ҳолда ислохот қилиш зарурлигини курсатди.

Давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш ҳамда демократиялаштиришни чуқурлаштириш натижаси уларок, мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини, шу жумладан, қонунчилик соҳасини такомиллаштиришга доимо эътибор қаратил-моқла. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ. XIV сессиясида (1999 й.) «Ўзбекистон XXI асрга интилоқла» мавзусидаги маърузасида шундай деган эди: «Конституция ва қабўл қилинган қонунларда курсатилган ҳолимиятнинг турли тармоқлари уртасида унинг бўлиниши принципи амалда қандай жорий этилаётганлигига эътиборни қаратиш керак». Бунинг учун энг аввало сайлов ва вақиллик органлари, бошқача айтганда, депутатлар ижроия ҳокимият устидан олинган ваколатлари бўйича жамоат назоратини қучайтиришлари лозим. Сиёсий ислохотларимиз концепциясининг бугунги кундаги асосий мазмуни — «Қучли давлатдан қучли фуқаролик жфимияти сари»дир.

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ва жамоат институтларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги ғояси Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида давлат ва жамият қурилишининг барча соҳа ҳамда тармоқларида эркинлаштиришнинг дастури сифатида намоён бўлди Президент И. Каримов жамиятда манфаатлар мутаносиблиги, ҳар бир шахс учун эркин сайлаш ва жамиятнинг барқарор ва олға ривожланишини қаролатловчи механизмни шакллантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Юртбошимиз, бундан ташқари, яна давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида ҳокимият тармоқлари бўлинишининг конституциявий принципини таъминлаш, қонунчилик ҳокимияти Олий Мажлиснинг ва жойлардаги вақиллик органларининг Конституция ва қонунлар билан белгиланган ваколат ва мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари бўйича жавобгарликни ошириш ва назорат функциясини қучайтириш лозимлиги масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Парламент фаолиятини такомиллаштириш замонавий демократик давлатни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ажралмас хусусиятидир. Шунинг учун ҳам дунёдаги турли демократик тизимларда парламент фаолиятини такомиллаштириш йуллари ва усуллари шакллантириш, самарадорлигини ошириш, ҳокимиятнинг ижроия ва суд ҳокимиятлари тармоклари фаолияти билан бўладиган ишларини уйғунлаштириш борасида фаол изланиш олиб бориляпти.

Юқоридагилар билан бир қаторда парламент фаолиятида қўмита ва комиссиялар фаолияти билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1 БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмида ва комиссиялари шакллантириш тартиботи ва уларнинг ваколатлари

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Қўмида раиси, унинг ўринбосари ва қўмида аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Қўмида таркибига сайланмаган депутат унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

Қонунчилик палатаси қўмиталари Қонунчилик палатаси олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

Қонунчилик палатаси қўмиталари:

ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади;

қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

Қонунчилик палатасининг топшириғига ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлади;

киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакиллариининг улар томонидан киритилган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитади;

киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади.

Қонунчилик палатаси қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек Қонунчилик палатаси, унинг Спикери ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари палата мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари очик ўтказилади. Зарурат бўлганида Қонунчилик палатаси қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси қўмиталари кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат органларига юборилаётган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссиялар Қонунчилик палатаси мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тузилади. Айти пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади.

Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари тугатади.

Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

1.2. Олий Мажлис Сенатининг қўмита ва комиссияларини шакллантириш тартиби ва ваколатлари

Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Сенат шаклланганидан кейин унинг ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Сенат қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Қўмита таркибига сайланмаган сенатор унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

Сенат қўмиталари Сенат олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

Сенат қўмиталарининг ваколатлари

Сенат қўмиталари:

Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун топширилган қонунлар юзасидан хулосалар беради;

ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан ўз ташаббуси билан ва Сенатнинг топшириғига биноан Сенат ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

қонунни мажлис кун тартибига киритиш ёки унинг устида ишлашни давом эттириш ёхуд асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансabdор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари ва бошқа хулосаларни, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Сенат томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади.

Сенат қўмиталарининг ишини ташкил этиш

Сенат қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек Сенат, унинг Раиси ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Сенат қўмиталарининг фаолияти тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари Сенат мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари очик ўтказилади. Зарурат бўлганида Сенат қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Сенат қўмиталари кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Сенат қўмиталарининг давлат органларига юбориладиган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

Сенат муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссиялар Сенат мажлисида сенаторлар орасидан тузилади. Айни пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади.

Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатади.

Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

2 БОБ ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ ҚЎМИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, сенат қўмиталари қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат (Сенат Кенгаши) ва Сенат қўмиталари қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари (бундан буён матнда Сенат қўмиталари деб юритилади) томонидан Сенат қўмитасининг иш режасини, қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш режасини тайёрлаш, қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш натижаларини Сенат қўмиталари томонидан кўриб чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан Сенат қўмиталарининг қарорларини ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилиш, шунингдек Сенат (Сенат Кенгаши)нинг қарорлари ижро этилишини назорат қилиш тартибини белгилаб беради.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунларини (бундан буён матнда қонунлар деб юритилади) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этиш амалиётини ўрганиш чоғида Сенат қўмиталари олдида турган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

1) қонунларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш;

2) қабул қилинган қонуности ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари нормаларига мувофиқлигини аниқлаш;

3) нормалари амалда қўлланилмаётган қонунларни аниқлаш;

4) қонунларни ижро этиш чоғида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш;

5) Сенат қўмиталари томонидан ўтказилган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар натижасида олинган ахборотни амалда қўллаш;

6) жойларда ишлаётган сенаторлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари вакилларининг назарий билимларини ва амалий кўникмалари савиясини ошириш;

7) энг долзарб минтақавий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

8) жамиятда ҳукуқий маданиятни ошириш ва қонунлар устуворлигини таъминлаш.

4. Қонунлар, Сенат (Сенат Кенгаши) ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилиши Сенат қўмиталари томонидан жойларда ишлаётган сенаторларни, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг вакиллари, жамоатчилик вакиллари ва мутахассисларни жалб этган ҳолда назорат қилинади.

Сенат қўмиталарининг иш режаларини тайёрлаш

5. Сенат қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек Сенат, Сенат Раиси ва Сенат Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этадилар.

6. Сенат қўмиталарининг иш режаларини ишлаб чиқиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш Сенат Раиси ёки унинг топшириғига мувофиқ Сенат Раисининг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

7. Сенат қўмиталарининг иш режалари Сенат Кенгашининг мажлисларида кўриб чиқилади.

8. Ҳар қайси йил бошида Сенат қўмиталарининг иш режалари 15 январдан кечиктирмасдан Сенат Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Иш режаларини кўриб чиқиш натижалари бўйича Сенат Кенгаши қарор қабул қилади.

9. Сенат қўмиталарининг иш режалари давлат дастурларини, Сенат фаолиятининг дастурларини, Сенат қўмиталари ўтказган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарларнинг натижаларини амалга ошириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек Сенат Раиси ва Сенат Кенгашининг топшириқлари асосида тайёрланади.

Қонунни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этиш амалиётини ўрганиш

10. Қонунни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этиш амалиётини ўрганиш бўйича тадбирлар ўтказишга тайёргарлик кўриш тартиби Сенат қўмитасининг Раиси томонидан белгиланади.

11. Қонунни ижро этиш амалиётини ўрганишга тайёргарлик Сенат қўмитасининг фаолият Режасини ишлаб чиқишдан бошланади.

12. Сенат қўмитаси фаолият Режасини тайёрлаш жараёнида:

1) ижро этилишини ўрганиш назарда тутилаётган Ўзбекистон Республикаси қонуни нормаларини таҳлил қилади;

2) қонуннинг амал қилиш доирасини ҳамда қонун билан тартибга солинадиган муносабатларни аниқлайди;

3) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари ва бошқа хулосаларни, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

4) тегишли қонуности ҳужжатлари ва идоравий норматив ҳужжатларни дастлабки тарзда таҳлил қилиб чиқади;

5) қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

13. Сенат қўмитасининг фаолият Режасида қуйидагилар белгиланади:

1) саволнома тузиш ва уни юбориш муддатлари;

2) ишчи гуруҳ таркиби;

3) жойларга жўнаб кетишнинг тахминий санаси;

4) қонунни ижро этиш амалиёти ўрганиладиган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари;

5) қонуннинг ижро этилишини ўрганиш тартиби;

6) қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш тамомланадиган тахминий сана;

7) Сенат қўмитаси қарорининг лойиҳасини тайёрлаш муддатлари;

8) Сенат қўмитаси мажлисини ўтказиш тартиби ва жойи.

14. Саволнома тузишдан асосий мақсад қуйидагиларни аниқлашдан иборат:

1) қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш чоғида Сенат қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини;

2) қонун билан тартибга солинадиган муносабатларни;

3) қонунни ижро этиш билан боғлиқ бўлган амалдаги ҳолатнинг қонун нормаларига мувофиқлигини;

4) қонун амал қиладиган шахслар доирасини;

5) қонун нормаларини амалга ошириш чоғида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ваколатларини;

6) қонун нормаларини амалга ошириш механизми қай даражада ишлаб чиқилганлигини, шу жумладан қонунни ижро этиш учун қабул қилинган қонуности ҳужжатларнинг мавжудлигини, амалдаги қонуности ҳужжатларнинг қонун нормаларига мувофиқлигини, қонуности ҳужжатларда қонун нормаларининг қанчалик тўла қамраб олинганлигини ва ҳоказоларни.

15. Саволномани тузиш ижро этиш амалиётини ўрганиш режалаштирилган тегишли қонун нормаларини таҳлил қилиш натижалари асосида амалга оширилади.

16. Сенат қўмитаси томонидан тузилган саволнома олдиндан тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига юборилади. Саволнома қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш режалаштирилган минтақада ишлаётган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари вакиллари ва сенаторларга ҳам юборилиши мумкин.

17. Ишчи гуруҳ таркибига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, жамоатчилик вакиллари, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, шунингдек қонуннинг ижросини ўрганиш режалаштирилган минтақадаги сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари вакиллари киритилиши мумкин.

18. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари ишчи гуруҳ жўнаб кетадиган сана ҳақида олдиндан хабардор қилинади.

19. Ишчи гуруҳ аъзолари жойларга етиб боргач, қонунни ижро этиш амалиёти ўрганиладиган ташкилотнинг (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) фаолияти билан олдиндан танишиб чиқади.

20. Сенат қўмитасининг раиси ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун иш участкасини белгилаб беради.

21. Ишчи гуруҳ аъзолари Сенат қўмитасининг раиси билан келишган ҳолда ташкилотнинг мансабдор шахсларидан зарур материаллар ва ҳужжатларни, шунингдек бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин. Ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзи амалга оширган иш ҳақида ахборот тайёрлайди ва бу ахборот кейинчалик умумий маълумотномага киритилади.

22. Ишчи гуруҳ ўрганилиши керак бўлган масалалар сонига қараб кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин. Сенат қўмитасининг раиси ишчи гуруҳ аъзолари

орасидан кичик гуруҳ раҳбарини тайинлайди. Ҳар қайси кичик гуруҳ ўз ишининг натижалари ҳақида алоҳида маълумотнома тайёрлайди. Кичик гуруҳлар тайёрлаган маълумотномалар асосида умумий маълумотнома тузилади.

23. Ишчи гуруҳ фаолиятининг натижалари тўғрисидаги умумий маълумотномада қуйидаги ахборот кўрсатилади:

1) ташкилот томонидан қонунни ижро этиш учун қабул қилинган (ишлаб чиқилган) қонуности ва идоравий норматив ҳужжатлар тўғрисида (агар бундай ҳужжатлар қабул қилинмаган бўлса, сабаби кўрсатилади);

2) ташкилот томонидан қабул қилинган (ишлаб чиқилган) қонуности ва идоравий норматив ҳужжатларнинг қонун нормаларига мувофиқлиги ҳамда уларда қонун нормалари қанчалик тўла амалга оширилганлиги ҳақида;

3) қонунни ижро этишга тўсқинлик қилаётган муаммолар, шу жумладан қонун ҳужжатида зиддиятлар ва камчиликлар мавжудлиги ҳамда уларни бартараф этиш учун кўрилган чора-тадбирлар ҳақида;

4) фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни таҳлил қилиш натижалари ҳақида;

5) аниқланган камчиликлар ҳақида;

6) бошқа ахборот.

24. Ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган умумий маълумотнома Сенат қўмитасининг раиси, ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда ташкилотнинг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш натижаларини кўриб чиқиш

25. Қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш натижалари, қоида тариқасида, Сенат қўмитасининг мажлисида кўриб чиқилади. Қўмита мажлиси давомида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тайёрланган умумий маълумотнома муҳокама қилинади. Зарур ҳолларда қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш натижалари Сенат қўмитаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг қўшма мажлиси — “Бирлашган сессия”да кўриб чиқилиши мумкин.

26. Сенат қўмитасининг мажлиси агар унда қўмита таркибининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

27. Қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш натижалари кўриб чиқиладиганда Сенат қўмиталарининг мажлислари очиқ ўтказилади. Зарурат бўлганда Сенат қўмитаси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

28. Қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш натижалари кўриб чиқиладиганда Сенат қўмитасининг мажлисига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, жамоатчилик ва хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари, шунингдек матбуот органлари, телевидение, радио вакиллари таклиф этилиши мумкин.

29. Қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш натижалари кўриб чиқиладиганда Сенат қўмитасининг мажлисида ишчи гуруҳ аъзолари ва қонунни ижро этиш амалиёти ўрганилган ташкилот раҳбари ҳозир бўлиши шарт.

30. Сенат қўмитаси кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорни аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилади. Қўмита қарори ушбу қўмитанинг раиси томонидан имзоланади.

31. Қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш натижалари асосида қабул қилинган Сенат қўмитасининг қарори давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тегишли мансабдор шахсларига юборилади. Сенат қўмитасининг қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

32. Сенат қўмитасининг қарори қайд этувчи ва қарор қилувчи қисмлардан иборат бўлади.

33. Сенат қўмитаси қарорининг қайд этувчи қисмида қонуннинг асосий талаблари, қонунни ижро этиш амалиётини ўрганиш жараёнида аниқланган ижобий ва салбий жиҳатлар кўрсатилган бўлиши керак.

34. Сенат қўмитаси қарорининг қарор қилувчи қисми қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши керак:

1) қонунни ижро этиш юзасидан қабул қилинган қонуности ва идоравий норматив ҳужжатларни баҳолаш;

2) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тегишли мансабдор шахсларининг фаолиятини баҳолаш;

3) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсиялар;

4) қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳақидаги тавсиялар;

5) Сенат қўмитасининг қарори кўриб чиқиш учун юбориладиган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг рўйхати.

35. Сенат қўмитасининг қарорида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари томонидан қарорни кўриб чиқиш натижалари ёки қабул қилинган чоралар тўғрисида қўмитага ахборот тақдим этиш муддатлари кўрсатилиши мумкин.

36. Агар Сенат қўмитасининг қарорида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қарорни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ахборот тақдим этиш муддатлари кўрсатилган бўлмаса, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари бир ойлик муддатдан кечиктирмасдан қўмитага унинг қарорини кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган чоралар ҳақида ахборот беришлари шарт.

37. Сенат қўмитасининг қарорини ижро этишни назорат қилиш Сенатнинг ушбу қўмитаси раиси зиммасига юкланади.

38. Сенат қўмитасининг қарорини кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган чоралар ҳақида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тақдим этган ахборот Сенат қўмитасининг мажлисида кўриб чиқилади. Зарурат бўлганда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ахбороти Сенат қўмитаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг қўшма мажлисида — “Бирлашган сессия”да кўриб чиқилиши мумкин.

39. Сенат қўмитасининг қарорини ижро этиш ҳақида ахборот берилмаган ёки тўлиқ ахборот тақдим этилмаган ёхуд давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қонунни ижро этишга тўсқинлик қиладиган муаммоларни бартараф

этиш чораларини кўрмаган тақдирда Сенат кўмитаси Сенат Кенгаши муҳокамасига Сенатнинг парламент сўровини юбориш ҳақида таклиф киритиши мумкин.

Якунловчи қоидалар

40. Сенат қонунлар қабул қилишни талаб этмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

41. Сенатнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятига тааллуқли қарори ижро этилиши шарт.

42. Сенат қарорини ижро этишни назорат қилиш, қоида тариқасида, Сенат кўмиталаридан бирига юкланади.

43. Сенат қарорини ижро этиш тўғрисидаги ахборот Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида эшитилиши мумкин.

44. Сенат Кенгашининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятига тааллуқли қарорлари, қоида тариқасида, тавсия тарзида бўлади ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан кўриб чиқилиши шарт.

45. Сенат Кенгашининг қарори ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилиш, қоида тариқасида, Сенат кўмиталаридан бирининг зиммасига юкланади.

46. Сенат Кенгашининг қарорини кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақидаги ахборот Сенат Кенгашининг навбатдаги мажлисида эшитилиши мумкин.

47. Сенат кўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат (Сенат Кенгаши) ва Сенат кўмиталари қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этилишини назорат қилиш борасидаги фаолиятини ташкилий жиҳатдан, ахборот билан, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Сенат Девони томонидан амалга оширилади.

48. Сенат кўмиталарининг фаолиятини ахборот билан ва ташкилий жиҳатдан таъминлайдиган Сенат Девони бўлимлари масъул ходимларининг (референтлар, катта референтлар) вазифаларига қуйидагилар киради:

- 1) саволномалар тузишда кўмаклашиш;
- 2) ишчи гуруҳи ишини ташкил этишга техникавий кўмаклашиш;
- 3) Сенат кўмитасининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шу жумладан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш;
- 4) Сенат кўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат (Сенат Кенгаши) ва Сенат кўмиталари қарорлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этилишини назорат қилиш борасидаги фаолиятига доир материалларни умумлаштириш;
- 5) Сенат кўмитаси, Сенат (Сенат Кенгаши) қарорларининг лойиҳасини тайёрлашда кўмаклашиш;
- 6) Сенат кўмитасининг мажлисига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашиш (кўмита мажлиси иштирокчиларининг рўйхатини тайёрлаш, кўмита мажлисига таклиф қилинаётган шахсларга мажлис ўтказиладиган сана ҳақида хабар бериш, иш материалларини ҳозирлаш, тарқатиш ва ҳоказо);

7) Сенат кўмитаси мажлисининг баённомасини тайёрлаш;

8) Сенат кўмитаси, Сенат (Сенат Кенгаши) қарорларининг жойларга жўнатилишини ташкил этиш.

49. Сенат Девонининг фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2005 йил 18 апрелдаги 23–I-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламентига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қонун Сенат Девонида рўйхатга олинган кундан бошлаб Сенатга киритилган ҳисобланади. Қонунни Сенатга киритиш чоғида унга қуйидаги материаллар илова қилинади:

- 1) Қонунчилик палатасининг қонунни қабул қилиш тўғрисидаги қарори;
- 2) Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун;
- 3) қонунга унинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати;
- 4) қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун қабул қилиниши муносабати билан қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақидаги қонун;
- 5) ўзгартирилиши, қўшимча киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши керак бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;
- 6) моддий харажатларни талаб қилувчи қонунлар учун молиявий-иқтисодий асослаш;
- 7) давлат даромадларини қисқартиришни ёки давлат харажатларини кўпайтиришни назарда тутадиган қонунлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг моддаларини ўзгартиришни назарда тутадиган қонунлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси;
- 8) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъект қонун лойиҳаси билан бирга Қонунчилик палатасига тақдим этган материаллар.

4. Келиб тушган қонун унга илова қилинган материаллар билан бирга Сенат Раисига берилади. Сенат Раиси Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул бўлган Сенат қўмитасини (бундан буён матнда масъул қўмита дейилади) белгилайди.

5. Қонун унга илова қилинган материаллар билан бирга нусха кўчириш ҳамда Сенат Раисининг топшириғида кўрсатилган манзил эгаларига топшириш учун Умумий бўлимга қайтарилади.

6. Қонун унга илова қилинган материаллар билан бирга масъул қўмитага, уларнинг нусхалари эса мажбурий тартибда Сенат Раисига, Сенат Раисининг ўринбосарига, Сенат Девонининг Раҳбарига, Юридик бўлимга, Назорат-ахборот бўлимига, Матбуот ва таржима бўлимига берилади. Агар қонун Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ёки денонсация қилишга оид бўлса, қонуннинг нусхаси Халқаро алоқалар бўлимига ҳам берилади.

Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқишда Сенат Раиси, Сенат Раисининг ўринбосари, Сенат Кенгаши, Сенат қўмиталари раислари ва Сенат қўмиталарининг ваколатлари

7. Сенат Раиси Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарликни амалга оширади, Сенат қўмиталарининг қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш юзасидан фаолиятини мувофиқлаштиради, Сенат ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди, Сенат маъқуллаган қонунларни имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

8. Сенат Раисининг ўринбосари Сенат Раисининг топшириғига мувофиқ Сенат қўмиталари қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш муддатларига риоя этишларини назорат қилади, қонунларни Сенат қўмиталари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги ахборотни умумлаштиради, қонунлар юзасидан Сенат қарорларининг лойиҳаларига виза қўяди, Сенат қўмиталари ва Сенат Девонининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

9. Сенат Кенгаши Сенат қўмиталарининг ишини, Сенат мажлисларининг кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлашни мувофиқлаштиради, қонунлар Сенат қўмиталари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ташкил этади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

10. Масъул қўмита раиси:

1) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарур материалларни тайёрлашни ташкил этади, қўмита мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

2) қўмита аъзоларига топшириқлар беради, уларга Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш билан боғлиқ материаллар ва ҳужжатларни юборади;

3) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ ишида қатнашиш учун қўмита аъзоларини белгилайди;

4) қўмита ишида қатнашиш учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, жамоатчилик ва хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари, шунингдек матбуот органлари, телевидение ва радио вакилларини таклиф этади;

5) Сенат, унинг Кенгаши мажлисларида, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан муносабатларда қўмитанинг вакили бўлади;

6) Сенат, Кенгаш ҳамда Сенат Раисига Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш билан боғлиқ топшириқларнинг бажарилиши ҳақида ахборот беради;

7) қўмита аъзоларига қўмита тавсияларини кўриб чиқиш ҳақида ахборот беради;

8) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

11. Сенат қўмиталари Сенат, унинг Раиси ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади. Қонунларни кўриб чиқиш жараёнида Сенат қўмиталари:

1) Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун берилган қонунлар юзасидан хулосалар беради;

2) Сенат қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

3) қонунни мажлис кун тартибига киритиш ҳақида ёки унинг устидаги ишларни давом эттириш ҳақида ёхуд қонунни рад этиш ҳақида Кенгашга асослантирилган таклифлар киритади;

4) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, эксперт хулосалари ва бошқа хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

5) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳлар тузади, улар таркибига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жалб этади;

6) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларнинг матнларини ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

Қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиб-таомили

12. Қонунни Сенатнинг масъул қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш муддати қонун қўмига келган санадан бошлаб ўн беш кундан ошмаслиги керак.

13. Масъул қўмига икки кун ичида қонун нусхаларини фикр билдириш учун манфаатдор давлат органларига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлар ва илмий муассасаларга юборади. Қонун нусхалари фикр билдириш учун юбориладиган ташкилотлар рўйхати масъул қўмига раиси томонидан белгиланади.

14. Фикр билдириш учун юборилган қонун юзасидан таклиф ва мулоҳазалар келганидан кейин масъул қўмига раиси Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунни кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳ ташкил этиш зарурлигини белгилайди. Қонун юзасидан масалалар юзага келмаган тақдирда, ишчи гуруҳ тузилмайди.

15. Ишчи гуруҳ вужудга келган масалаларни ҳал қилиш ва қонун юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазаларни муҳокама этиш учун тузилади. Ишчи гуруҳ таркибига сенаторлар, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий муассасалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги

қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари, мутахассислар ва олимлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари киритилади.

16. Ишчи гуруҳининг мажлислари ўтказиладиган санани ва мажлислар сонини қўмита раиси қонуннинг мураккаблигига ҳамда қонун юзасидан тушган таклиф ва эътирозлар сонига қараб белгилайди.

17. Ишчи гуруҳ аъзоларига ишчи гуруҳ мажлиси ўтказиладиган сана ҳақида олдиндан хабар берилади. Ишчи гуруҳ аъзоларига ёки улар ишлайдиган ташкилотга юбориладиган хат ёки телефонограмма масъул қўмита раиси томонидан имзоланади.

18. Ишчи гуруҳнинг мажлисига масъул қўмита раиси ёки унинг топшириғига мувофиқ Сенатда доимий асосда ишлайдиган қўмита аъзоси раҳбарлик қилади.

19. Ишчи гуруҳнинг мажлислари ҳозир бўлганларнинг фамилиясини, исми, отасининг исмини, иш жойини ва лавозимини аниқлашдан бошланади. Масъул қўмитанинг раиси мажлиснинг умумий боришига раҳбарлик қилади, ишчи гуруҳ аъзоларига сўз беради, муҳокама қилинаётган масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритади ва мулоҳазалар билдиради, билдирилган фикрларни ҳисобга олиб боради. Мажлис давомида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ёки конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш чоғида билдирилган таклифлар ҳам муҳокама қилиниши мумкин. Ишчи гуруҳ мажлисининг натижалари бўйича маълумотнома тузилиши мумкин.

20. Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш жараёнида масъул қўмита Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, қонунчилик техникаси қоидаларига, халқаро принциплар ва нормаларга, шунингдек қонунга илова қилинган асослашнинг қонун матнига мувофиқлигини белгилайди.

21. Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари бўйича масъул қўмита раиси томонидан қўмита хулосасининг лойиҳаси тайёрланади. Масъул қўмитанинг хулосасида, қоида тариқасида, қуйидагилар кўрсатилади:

а) қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан Қонунчилик палатасига киритилган сана;

б) қонуннинг мақсади ёки асосий вазифалари;

в) қонунни қабул қилиш зарурлигини асослаш, шу жумладан қонунни қўллаш амалиётини ўрганиш ва ҳисобга олиш масалалари, ҳуқуқий тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни аниқлаш, қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган сабаблар ва шароитлар;

г) қонуннинг тузилиши (моддалар, боблар, бўлимлар сони ва уларнинг асосий мазмуни);

д) қонуннинг илгари амал қилган ёки ҳозирги кунда амал қилиб турган, шу хилдаги муносабатларни тартибга соладиган қонунлардан фарқи (янги нормалар ва қоидалар киритилганлиги);

е) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, шунингдек фуқароларнинг таълим-мулоҳазаларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситаларидан олинган маълумотларни умумлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш масалалари;

ж) бошқа давлатларнинг қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олиш масалалари;

з) Сенат Кенгашига тавсиялар.

22. Масъул қўмита хулосасининг лойиҳаси масъул қўмита мажлисида муҳокама қилинади ва масъул қўмита раиси томонидан имзоланади.

23. Агар масъул қўмита мажлисларида қўмита таркибининг камида ярми ҳозир бўлса, бу мажлислар ваколатли ҳисобланади.

24. Масъул қўмита мажлислари очиқ ўтказилади. Зарурат бўлганда қўмита ёпиқ мажлис ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

25. Масъул қўмита мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, жамоатчилик ва хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари, шунингдек матбуот органлари, телевидение ва радио вакиллари таълим қилиниши мумкин.

26. Масъул қўмита кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қўмита аъзолари умумий таркибининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилади.

27. Масъул қўмитанинг қонун юзасидан қарорида қуйидаги ахборот берилади:

а) қонун юзасидан қўмита хулосасининг лойиҳасини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида;

б) қонун юзасидан масъул қўмита хулосасини ўқиб эшиттирадиган сенатор тўғрисида;

в) қонун юзасидан уни муҳокама қилиш тартибида сўзга чиқадиган сенаторлар тўғрисида.

28. Масъул қўмитанинг хулосасида қонун баҳоланган ва қонунни маъқуллаш ёки рад этиш ҳақида тавсия берилган бўлиши керак. Қонунни рад этиш ҳақидаги хулосада масъул қўмита қонунни рад этиш зарур деб ҳисоблашининг вазллари баён этилган бўлиши керак.

29. Қонунни рад этишга унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа қонун ҳужжатларига мос эмаслиги, қонун нормалари ўртасида

нормувофикликлар ва қарама-қаршиликлар борлиги, қонунни қабул қилишга заруратнинг йўқлиги, қонуннинг қонунчилик техникаси қоидаларига, халқаро принциплар ва нормаларга мувофиқ эмаслиги асос бўлади.

30. Масъул қўмитанинг қонунни Сенат ялпи мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритиш мумкинлиги ҳақида ёки қонун устида ишни давом эттириш зарурлиги ҳақида таклиф билдирилган хулосаси Сенат Кенгашининг муҳокамасига тақдим этилади.

31. Сенат Кенгаши масъул қўмита хулосасини муҳокама қилиш натижалари бўйича қонунни Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритиш ёки киритмаслик ҳақида қарор қабул қилади.

32. Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижаларига қараб, масъул қўмита қонунни маъқуллаш ёки уни рад этиш тўғрисидаги Сенат қарорининг лойиҳасини тайёрлайди.

33. Қонунни рад этиш ҳақидаги Сенат қарорининг лойиҳаси қонунни бутунлай рад этиш тўғрисидаги ёки қонунни рад этиб, айтилиш вақтида келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифларни ўз ичига олган бўлиши мумкин.

34. Келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклиф қонуннинг айрим нормалари юзасидан келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, шу жумладан:

а) қонун матнида атамашунослик ва стилистик йўналишдаги ноаниқликлар бўлганида;

б) қонунни техник жиҳатдан расмийлаштириш билан боғлиқ масалалар мавжуд бўлганда;

в) қонун тақдим этилган асосга номувофиқ бўлса;

г) қонунчилик техникаси қоидалари бузилган бўлса;

д) қонун нормалари ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиққан тақдирда;

е) қонун нормалари билан амалдаги қонун ҳужжатлари ўртасида қарама-қаршиликлар бўлганида;

ж) қонуннинг битта ёки бир нечта нормаси рад этилганида;

з) бошқа асослар мавжуд бўлганида киритилади.

35. Агар қўмитанинг фикрича, вужудга келган келишмовчиликлар бўйича бир фикрга келиш мумкин бўлмаса ёки қонунни концептуал даражада тўла қайта ишлаб чиқиш талаб қилинса, келишув комиссиясини тузмасдан қонунни рад этиш ҳақида таклиф киритилади. Келишув комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 8 ноябрдаги 152–I-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 3 декабрдаги 112–I-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ белгиланади.

36. Қонунни Сенатнинг ялпи мажлисида кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майда қабул қилинган 29–I-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти билан белгиланади.

Қонунчилик палатаси томонидан киритилаётган қонунларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби

37. Қонун юзасидан тайёрланган ва масъул қўмита раиси, Сенат Девонининг Раҳбари, Юридик бўлим мудир, Матбуот ва таржима бўлими мудирининг визаси қўйилган Сенат қарорининг лойиҳаси Сенат Раисининг ўринбосарига топширилади. Агар қонун Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ёки денонсация қилиш ҳақида бўлса, қонун юзасидан Сенат қарорининг лойиҳасига Халқаро алоқалар бўлими мудир виза қўяди. Сенат Раисининг ўринбосари томонидан виза қўйилган Сенат қарорининг лойиҳаси масъул қўмитага қайтарилади.

38. Қонун юзасидан белгиланган тартибда виза қўйилган Сенат қарорининг лойиҳаси ва масъул қўмита хулосасининг лойиҳаси қўмита раиси томонидан Сенат Девонининг Раҳбарига топширилади.

39. Сенатнинг ҳар бир аъзосига тақдим этиладиган ҳужжатлар тўпламига қонун бўйича Сенат қарорининг лойиҳаси, масъул қўмита хулосаси, қонун матни ва Қонунчилик палатасидан қонун билан бирга келиб тушган бошқа ҳужжатлар кирилади.

40. Қонун юзасидан Сенат қарори лойиҳасининг, масъул қўмита хулосасининг, қонун матнининг нусхалари ва Қонунчилик палатасидан қонун билан бирга келиб тушган бошқа ҳужжатлар Умумий бўлим ходимлари томонидан кўпайтирилади ҳамда Назорат-ахборот бўлимига берилади.

41. Масъул қўмита томонидан қонун юзасидан Сенат қарорининг лойиҳаси билан бир вақтда ушбу қарорни тарқатиш варағи тайёрланиб, у масъул қўмитанинг раиси томонидан имзоланади ҳамда Сенат Девонининг Раҳбари билан келишилади.

42. Қонун юзасидан Сенат қарорининг рус тилидаги электрон нусхаси Умумий бўлимда, давлат тилидаги нусхаси эса Матбуот ва таржима бўлимида сақланиб, Бу бўлимлар Сенатнинг ялпи мажлисида қабул қилинган Сенат қарори тегишли бланкада чиқарилишини таъминлайдилар.

43. Сенат Раисининг ўринбосари, масъул қўмита раиси, Сенат Девонининг Раҳбари, Юридик бўлим мудир, Матбуот ва таржима бўлимининг мудир виза қўйган қонун юзасидан Сенат қарори масъул қўмита раиси томонидан Сенат Раисига имзолаш учун топширилади. Агар қонун Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ёки денонсация қилиш ҳақида бўлса, қонун юзасидан Сенат қарорига Халқаро алоқалар бўлими мудир виза қўяди.

44. Сенат томонидан маъқулланган ва белгиланган тартибда визалар қўйилган қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига юборилади. Бунда қонунга қонуннинг тўртта нусхаси ва Сенат қарорининг Умумий бўлим мухри билан тасдиқланган нусхаси, қонуннинг электрон нусхаси, Сенат масъул қўмитаси хулосасининг нусхаси илова қилинади. Айни вақтда юборилган ҳужжатларнинг нусхалари Сенат Раисига, Сенат Раисининг ўринбосарига, Сенат Девонининг Раҳбарига, масъул қўмита раисига, Юридик бўлимга, Матбуот ва таржима бўлимига берилади. Агар қонун Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация ёки денонсация қилиш ҳақида бўлса, мазкур ҳужжатларнинг нусхалари Халқаро алоқалар бўлимига ҳам топширилади.

45. Қонун ва унга илова қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳужжат олинганлигини тасдиқловчи тилхат билан топширилади. Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига топширишни Сенат Девонининг Раҳбари ташкил этади. Бунда илова хатнинг бир нусхаси Умумий бўлимга берилади, иккинчи нусхаси эса, ҳужжатлар олинганлигини тасдиқловчи тилхат билан масъул қўмитага топширилади.

46. Қонунни маъқуллаш тўғрисидаги Сенат қарорининг Умумий бўлим мухри билан тасдиқланган нусхаси қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

47. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган тақдирда, қонунни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳужжатлар (Сенат қарори, тарқатиш варағи, масъул қўмита хулосаси, Қонунчилик палатасидан келган ҳужжатлар) масъул қўмита томонидан беш кун ичида Умумий бўлимнинг баённомалар шўъбасига топширилади. Бунда ишчи гуруҳлар ва масъул қўмита мажлисларининг иш материаллари йиғмажилдга жойланиб, бу йиғмажилд Сенат архивига топширилади.

48. Қонунни рад этиш тўғрисидаги Сенат қарори қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун матни ҳамда масъул қўмита хулосасининг нусхаси билан бирга Қонунчилик палатасига қайтарилади. Ҳужжатларни Қонунчилик палатасига топширишни Сенат Девонининг Раҳбари ташкил этади. Бунда илова хатнинг битта нусхаси Умумий бўлимга топширилади, иккинчи нусхаси эса, ҳужжатлар олинганлигини тасдиқловчи тилхат билан биргаликда ишга оид материалларга қўшиб қўйилади.

49. Сенат қўмиталарининг Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш борасидаги фаолиятини ташкилий жиҳатдан, ахборот билан, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Сенат Девони томонидан амалга оширилади.

50. Юридик бўлим қонунни ўрганиб чиқиш натижалари асосида қонун юзасидан юридик хулоса тайёрлайди ҳамда ушбу юридик хулоса қонун нормаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа қонун ҳужжатларига, шу жумладан қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги

таҳлилини, шунингдек қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ва тавсияларни ўз ичига олади. Юридик бўлим кўмиталар томонидан тузилган ишчи гуруҳлар мажлисларида ҳам қатнашади ва қонун юзасидан ахборот учун қисқача маълумотнома, зарурат бўлганда эса қиёсий жадваллар тайёрлайди.

51. Матбуот ва таржима бўлими қонун юзасидан асосий мақсади қуйидагилардан иборат бўлган хулоса тайёрлайди:

а) қонуннинг давлат тилида баён этилган нормалари тўғри тузилганлигини аниқлаш;

б) атамалар ва тушунчалар бир хил қўлланганлигини аниқлаш;

в) қонунларнинг давлат тилида ва рус тилида баён этилган матнлари ўзаро мувофиқлигини аниқлаш.

52. Сенат кўмиталарининг қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш деганда қонунларнинг нусхаларини кўпайтириш ва манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, илмий муассасалар, шунингдек бошқа ташкилотларга юбориш, мажлисга таклиф этилган шахсларнинг рўйхатларини тайёрлаш ҳамда уларни тегишли милиция постларига топшириш, телефонограммалар ва тегишли хатлар жўнатилишини ташкил этиш, кўмита мажлисининг баённомасини тайёрлаш тушунилади.

53. Умумий бўлим масъул кўмита фаолиятини моддий-техник жиҳатдан, шу жумладан:

а) матнли ҳужжатларни теришни;

б) материалларни кўпайтиришни;

в) ҳужжатларни рўйхатга олишни ва жойларга юборишни таъминлайди;

г) ишчи гуруҳлар ҳамда масъул кўмитани мажлислар ўтказиладиган хоналар билан таъминлайди;

д) ишчи гуруҳлар ва масъул кўмита мажлисларини канцелярия ашёлари билан таъминлайди.

54. Сенат Девони бўлимларининг фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2005 йил 18 апрелдаги 23–I-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

2.3. Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати ва уни амалга оширишда қўмиталарнинг тутган ўрни

Парламент давлатнинг олий вакиллик органи сифатида нафақат қонунлар, балки мамлакат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда улар ижросини назорат қилиш ваколатларига ҳам эга. Аксарият мамлакатларда парламент томонидан қабул қилинадиган ва ижроси назорат қилинадиган ҳужжатлар орасида Давлат бюджети муҳим ўрин тутди. Зеро, Давлат бюджети фуқаролар меҳнати эвазига шакллантирилади ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари ҳисобланади.¹

Мазкур конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.²

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги,³ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги⁴ қонунларида ва ҳар икки палатанинг регламентларида ҳам Давлат бюджети ижросини парламент томонидан назорат қилинишига оид нормалар белгиланган.

Мазкур қонунлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда Давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишнинг қуйидаги уч шакли ҳақида фикр юритиш мумкин:

- дастлабки назорат – навбатдаги молиявий йил учун Давлат бюджетини муҳокама қилиш ва қабул қилиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2003. – 16- б.

² “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси -2002.-№12. 213-, 215- модда.

³ “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси- 2000.-№1-2. 6-модда.

⁴ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси- 2003.-№ 9-10. 136, 137- модда.

- жорий назорат – Давлат бюджетининг муайян вақт мобайнидаги ёки унинг маълум қисми ижросини тақдим этилган ҳисоботлар асосида, шунингдек парламент сўрови муносабати билан муҳокама қилиш;

- якуний назорат – Давлат бюджетининг молиявий йил мобайнидаги ижроси ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Давлат бюджети ижросини дастлабки, жорий ва якуний назорат қилишда парламент палаталарининг қўмиталари муҳим ўрин тутати. Улар Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш ҳамда Давлат бюджети ижросини бевосита назорат қилиш ишларини амалга оширади.

Давлат бюджети ижроси устидан **дастлабки** парламент назорати Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда намоён бўлади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунларга асосан, навбатдаги молия йили учун Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига киритилади.

Давлат бюджети лойиҳаси ва у билан бирга тақдим этилган бошқа ҳужжатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши белгилаган масъул қўмита томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади. Қоида тариқасида, масъул қўмита сифатида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси белгиланади. Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда Қонунчилик палатасининг бошқа барча қўмиталари ҳам қатнашади. Муҳокамалар одатда Молия вазирлигининг масъул шахси маърузасидан бошланади. Қўмита аъзолари масъул шахсга Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан саволлар билан мурожаат қилинади, таклиф ва мулоҳазаларини билдиради. Муҳокама якунига кўра барча қўмиталар ўз хулосаларини тайёрлайди.

Сўнгра Давлат бюджети лойиҳаси Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинади. Муҳокама Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади. Муҳокамада шунингдек, масъул қўмитанинг хулосаси эшитилади.

Башарти, давлат бюджети лойиҳаси бўйича Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифлари бўлса, улар уч кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Вазирлар Маҳкамаси ўн тўрт кун ичида Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда Давлат бюджети лойиҳасини маромига етказиши ва маромига етказилган лойиҳани Қонунчилик палатасига юбориши лозим.

Давлат бюджетининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай кўриб чиқилади ва қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб Сенатга юборилган Давлат бюджети Сенатнинг масъул қўмитаси, қоида тариқасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади ва хулоса тайёрланади.

Давлат бюджетининг Сенат мажлисидаги муҳокамаси ҳам Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети бўйича қарор Сенат томонидан жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай қабул қилинади.

Давлат бюджети ижроси устидан **жорий** ва **якуний парламент назоратини** Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати амалга оширади. Бироқ, таъкидлаш керакки, амалдаги қонунларимизда Олий Мажлис Сенатининг Давлат бюджети ижроси юзасидан жорий назоратни амалга ошириш, яъни Давлат бюджетининг чораклик ва йиллик ижроси ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини кўриб чиқиши назарда тутилмаган. Фикримизча, Сенат Давлат бюджети ижросининг жорий ва якуний назорат қилишда парламент сўрови ҳамда Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш орқали иштирок этиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси юзасидан жорий назоратни амалга оширади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросининг боришини кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини, масъул қўмитанинг хулосасини эшитади, муҳокамадан ўтказди ва тегишли қарор қабул қилади.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг ўн бешинчи майидан кечиктирмай тақдим этади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Давлат бюджети ижросини парламент томонидан назорат қилинишига оид амалдаги қонунлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда бюджет ижроси устидан парламент назоратининг мақсад ва вазифалари, бошқа органлар назоратидан фарқли жиҳатлари, парламент назоратини амалга ошириш механизми етарли даражада акс эттирилмаган.

Бизнингча, Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати деганда, парламент ва унинг органларининг давлат бюджетини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш соҳаларида давлатнинг молиявий сиёсати муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашга қаратилган фаолияти тушунилади.

Давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратининг мақсади бюджет ресурсларининг тўлиқлиги, уларнинг мақсадли ва самарали сарф этилиши, бюджет интизомига оғишмай риоя қилинишини таъминлаш ҳамда бу борада йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳолатларини олдини олишдан иборатдир.

Хорижий мамлакатларда давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати одатда махсус молия-назорат органи – Ҳисоб палатаси (Россия Федерацияси, Австрия, Германия, Испания, Франция), бош ҳисобот бошқармаси (АҚШ), бош аудит идораси (Канада, Швеция), давлат ҳисобот қўмитаси (Буюк Британия), ҳисобот суди (Бразилия, Руминия, Португалия, Туркия) ва бошқалар томонидан амалга оширилади.

Бу органлар зиммасига қоида тариқасида қуйидаги вазифалар юклатилган:

- давлат молияси аудити (даромадлар ва харажатлар);
- давлат молиявий интизомини таъминлаш.

Махсус молия-назорат органлари қонун ҳужжатларини молиявий экспертизадан ўтказиш (Австрия), текширувлар жараёнида юзага келадиган ҳар қандай низоларни кўриб чиқиш (Греция), давлат миқёсида молиявий ҳисоботлар шаклини белгилаш, молиявий маълумотлар базасини шакллантириш, бюджетга солиқ тушумлари ва ҳукуматнинг жорий харажатларига оид беш йиллик прогнозни ишлаб чиқиш (АҚШ) каби вазифаларни ҳам бажаради.⁵

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда Давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни қайд этиб ўтиш жоиз:

биринчидан, Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати тушунчаси, мақсади ва вазифаларини қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ, айниқса бу борада “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янада такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда;

⁵ Герасимов В., Ахмедова З. Парламентский контроль исполнения бюджета [Электронный ресурс] Режим доступа: http://www.rau.su/observer/N5_2003/5_13.htm. свободный

иккинчидан, Давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишда Олий Мажлис Сенати ролини ошириш лозим. Амалдаги қонунларимизга биноан Сенат Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг чораклик ва йиллик ҳисоботларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлашда қатнашмайди. Фикримизча, Сенат ҳудудий манфаатлар нуқтаи-назаридан Давлат бюджетининг йиллик ижроси ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини тасдиқлашда иштирок этишини белгилаш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритади деб белгилаб қўйилган. Парламентимиз икки палатали бўлганлигини инобатга олган ҳолда, мазкур модда 10 - қисмидаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига” деган сўзлар билан алмаштирилиши керак;

тўртинчидан, Давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишда Ҳисоб палатаси ролини ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, Давлат бюджетининг йиллик ижроси ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи Ҳисоб палатаси томонидан кўриб чиқилиши ва тегишли хулоса Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим қилиниши керак.

бешинчидан, парламент назоратини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда парламент қўмиталарининг Давлат бюджети ижросини назорат қилиш механизмини белгилаш.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Давлат бюджети мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутар экан, унинг самарали, оқилона ва тежамкорона ижро этилишини назорат қилишда халқ вакиллари бўлган парламент аъзолари муҳим ўрин тутишлари даркор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т. 3. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.

1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

1.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

1.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.

1.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.Т. 9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.

1.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

1.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – олий қадрият.Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

1.15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

1.16. Каримов И.А. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93- моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларига шарҳлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси номига йўллаган хатидаги принципиал мезонлар // Халқ сўзи. – 2006 йил 9 ноябрь.

1.17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент

Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи. – 2007 йил 31 август.

II. Қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 40б.

2.2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни (эски таҳрир). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1994 й.- № 1. - 6-модда.

2.3. Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1994 й.- № 5.- 127-модда.

2.6. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида” (эски таҳрир) қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1994.- № 10.- 50-модда.

2.7. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисидаги Низом ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995 й.- № 4.- 30-модда.

2.8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995 й.- № 6, -97-модда.

2.9. ”Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низом” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995 й.- № 6. - 98-модда.

2.10. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси депутатларининг мақоми тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995 й.- № 6.- 114-модда.

2.11. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 й.- № 9.- 237-модда.

2.12. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1998 й.- № 5-6.- 95-модда.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган, 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида Олий Мажлис қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000 й ..- № 5-6.

2.14. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг 2000 йилга мўлжалланган режаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000 й. -№4.

2.15. “2000 йилнинг апрель-декабр ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг муҳокамасига киритилган асосий масалалар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000 й.-№ 4.

2.16. Ўзбекистон Республикаси “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й.- № 4-5.- 60-модда.

2.17. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й.- № 12.- 213-модда.

2.18. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й.- № 12.- 215-модда.

2.19. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 3-4.- 27-модда.

2.20. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги қонуни (янги таҳрирда) . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 9-10.- 132-модда.

2.21. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-ИИ-сон Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й.- №9-10.- 134-модда

2.22. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 9-10.- 136-модда.

2.23. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида” қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 9-10.- 137-модда.

2.24. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” ги қонуни (янги таҳрирда) . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 9-10.- 138-модда.

2.25. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й.- №1.- 8 – модда.

2.26. Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й.- №1.- 8 –модда.

2.27. Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й.- №1.- 12- модда.

2.28. Ўзбекистон Республикаси “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 й.- №41.- 406-модда.

2.29. Ўзбекистон Республикаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 й.- №15.- 151-модда.

III. Махсус адабиётлар

3.1. Азизхўжаев А.А. Демократия – халқ ҳокимияти демакдир.-Тошкент: Шарқ, 1996.-226 б.

3.2. Адилходжаева С.М., Маликова Г.Р. Парламент сўрови парламент назоратининг шакли сифатида.- Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 43 б.

3.3. Авакьян С.А. Федеральное Собрание – парламент России. М.: «Российский юридический издательский дом», 1999. – 432 с.

3.4 Авакьян С.А. Депутат: статус и деятельность.- М.: Политиздат, 1991.- 287с.

3.5. Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран. М.:Издательское группа «Форум», 1998. -488с.

3.6. Амеллер. Парламентъ (пер.с англ). М.: Прогресс, 1967. – 512 с.

3.7. Безуглов А.А. Солдатов С.А. Конституционное право России.Т.2. Учебник для юридических вузов.М.: «Профоброзование», 2001. -831с.

3.8. Баглай М.В. Конституционное право Российское Федерации. Учебник для юридических вузов.- М.: Издательство группа НОРМА- ИНФРА, 1999. -832с.

3.9. Баглай М.В., Туманов В.А. Малая энциклопедия конституционного права.- М.: Бек, 1998. –519 с.

3.10. Булаков О.Н. Парламентское право. –М.: Юриспруденция, 2002.- 128с.

3.11. Государственное право Российской Федерации. Учебник. Под ред. О.Е.Кутафина. - М.: Юрид. Лит, 1996. - 584 с.

3.12. Гранкин И.В. Парламент России.- 2 изд., доп. – М.: Издательство гуманитарной литературы, 2001. – 368 с.

3.13. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик. // Муаллифлар жамоаси. Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 337 б.

3.14. Ёлчев В.А. Государственная Дума. Роль и место аппарата в законодательном процессе.- М.: Памятники исторической мысли. 2000. – 165с.

3.27. Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право: Учебник.- М.: Юрист, 2001.- 480 с.

3.28. Конституция государств Европъ.Т 1. М.: «НОРМА», 2001. -824с.

3.29. Конституционное право России. В 3-х томах. М.: НОРМА ИНФРА 2001.- 637с.

3.30. Кириллов В.Ф. Конституционное право Российской Федерации: Тюмень: Издательство Тюменского государственного университета, 2005. -468с.

3.31. Любимов А.П. Парламентское право России . Учебное пособие– М.: Маркетинг, 2000. -368с.

3.39. Одилқориев Ҳ . Т. , Тультеев И. Т. Икки палатали парламент.- Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.- 344 б.

3.41. Парламентское право России. Учебное пособие// Под.ред. И.М.Степанова, Т.Я.Хабриевой.- М.: Юрист,1999.- 391с.

3.42. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси// Муаллифлар жамоаси. Тошкент: “Шарқ”, 2004.- 296 б.

3.43. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси/ Тузувчилар: И.Комилов, Ф. Бакаева, А.Абдуллаев, Р.М.Алимовнинг умумий тахрири остида.- Тошкент: Шарқ , 2004.- 130 б.

3.44. Рижков В. А., Страшун Б. А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть. М.: Юрист, 1999.- 631с.

3.45. Слива А.Я. Депутатский запрос (Пособие для слушателей народных

университетов). – М.: Знание, 1988. -95с.

3.46. Таджиханов У. Одилқориев Х. Саидов А. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик.- Т.: Шарқ, 2001.- 752 б.

3.47. Уразаев Ш.З. Власть и закон. - Тошкент: Фан, 1991. - 48 с.

3.48. Уразаев Ш.З. Конституция независимого Узбекистана. — Ташкент: Адолат, 1993.-103 с.

3.49. Уразаев Ш.З. Модель закона: какой ей быть. - Ташкент: Фан, 1990. - 48 с.

3.50. Хорижий мамлакат конституциявий (давлат) ҳуқуқи: Ўқув қўлланма //Маъсул муҳаррир: доцент Д.Қ.Аҳмедов.- Тошкент: ТДЮИ, 2006.-550 б.